

Эрта никоҳ ва унинг салбий оқибатлари

Оила - Ватаннинг мўъжаз бир бўлаги. Оиланинг тинч-тотувлиги ва мустахкамлиги юрт фаровонлигининг асосидир. Ватанга меҳр-мухаббат ҳам, энг аввало, оиладан бошланади. Инсон ҳаётини оиласиз тасаввур қилиб бўлмайди. Уни боғловчи кўприк эса никоҳдир.

Оила кодексининг 15-моддасида қонуний никоҳга кириш ёши қиз болалар учун 17 ёш, ўғил болалар учун 18 ёш деб белгиланган. Албатта, бу энг минимал никоҳ ёши саналади. Лекин бу қиз бола 17 га тўлиши билан уни, албатта, турмушга бериш керак, дегани эмас. Мутахассисларнинг таъкидлашича, қиз боланинг оила қуриши ва она бўлиши учун энг мақбул давр 20 ёшдан кейин экан.

- Масаланинг яна бир муҳим жихати шундаки, - дейди Андижон тумани ҳокимининг ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Нодирахон Зокирова. - Қиз боланинг бирор касб-хунар эгаси бўлмай, шахс сифатида жамиятда ўз ўрнини топмай оила қуриши турли нохушликларга олиб келади. Шу боис, маҳаллаларда ўтказилаётган учрашувларда балоғат ёшига етмаган қизни турмушга узатишга ошиқмаслик тушунтирилмоқда. Тегишли маслаҳат ва тавсиялар берилмоқда, ота-оналик масъулияти, вазифалари ҳамда жавобгарлиги хусусида сўз юритилмоқда. Чунки эрта турмуш қурганларнинг аксарияти турли хил қийинчилик ва муаммоларни енгиб ўтишда қийналишяпти. Оқибатда айнан шундай оилалар ўртасида ажралишлар содир бўлмоқда.

- 17-18 яшар қиз тиббий жихатдан оилавий ҳаётга мутлақо тайёр бўлмайди, - дейди туман тиббиёт бирлашмаси туғруқ бўлими мудир, акушер гинеколог Сохибахон Қосимова. - Қизларини барвақт узатишга шошилган ота-оналар ўзлари билмаган ҳолда жигаргўшасининг саломатлигига путур етказиб қўйиши мумкин. Оналик лаёқати бўлмаган ёш келинларда бир қатор хасталиклар кўп кузатилади. Хомиланинг ўсиши меъеридан бузилади, вазни енгил ёки бирор нуқсонли бола туғилиш хавфи юқори бўлади. Туғруқ ҳам оғир кечади.

Бугунги муаммолардан бири ҳам ана шу эрта турмуш қуриш ва у келтириб чиқараётган салбий оқибатлар ҳар қандай ота-онани сергаклантириши лозим.

- Кейинги пайтларда ажримлар, асосан, ёш оилалар орасида кузатилаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Йигит-қизларнинг эрта турмуш қуриши, катта ҳаётга тайёр эмаслиги, ўзаро келиша олмаслик, муомала маданиятининг шаклланмагани, рўзғор ишларида уқувсизлик каби жихатлар оқибатида айрим оилалар бузилиб кетяпти, - дейди Хартум ҚФЙ, Ю. Мамажонов маҳалла фуқаролар йиғини диний маърифат, маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Равшаной Рахимова. - Одатда

белгиланган ёшга етмаганлар расмий эмас, шаърий никоҳ асосида оила қуришади. Бундан кўпинча арзимаган келишмовчиликлар чиқса ҳам енгил муносабат билдирилиб, ажрашиб кетаверишади. Қарабсизки, қонуний никоҳдан ўтмаган қиз ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясиз қолади.

Оила ҳақида ҳуқуқий тасаввурга эга бўлмаган шахсларни турмуш қуришга тайёр эмас, деб ҳисоблаш мумкин. Айни пайтда биз маҳалла фаоллари, маслаҳатчининг хабари бўлмай тўй қилинмаяпти. Сабаби, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, жамоат ташкилотлари, маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда ёшлар орасида кенг қўламли тушунтириш ишлари олиб бораётирмики, бу ўз натижасини кўрсатмоқда. Ота-оналар жисмоний ва маънавий жихатдан оилавий ҳаётга тайёр бўлмаган қизларни турмушга бериш кўнгилсизликларга олиб келиши мумкинлигини англаб етмоқдалар.

- Балоғат ёшига етмаган қизларни турмушга узатиш исломда ҳам оқланмайди, - дейди "Аммор Ибн Ёсир" жомеъ масжиди имоми Салимжон Мадғозиев. - Шунинг учун улар расмий никоҳдан ўтмай, кўпинча бизга шаърий никоҳ ўқиб қўйишимизни сўраб мурожаат қилишади. Биз қачонки уларнинг тиббий кўрикдан ўтган ҳулоасини кўргач, расмий никоҳдан ўтганлигини билгачгина никоҳ ўқиймиз. Шунинг учун ҳам ҳозир туманимизда эрта никоҳ ҳолатлари умуман, учрамайди. Бу албатта, ҳокимлик вакиллари, соғлиқни сақлаш ходимлари, маҳалла фаоллари ҳамкорлигида олиб бораётган тарғибот ишлари натижасидир.

Оила - муқаддас кўрғон. Юртбошимиз айтганидек, "Оила қуриш фақат икки ёш ўртасидаги иш эмас, бутун жамият ҳаётига алоқадор масала. Зеро, соғлом фарзанд соғлом оиладагина дунёга келади. Шу боис ёшлар ўртасида соғлом оила тушунчасини тарғиб этиш, улар саломатлиги бир-бирига рухий ва жисмоний жихатдан мослигини ўрганиш катта аҳамият касб этади".

Дарҳақиқат, оила тақдири жамият тақдири билан уйғунлашиб кетган экан, оилаларимизни мустаҳкам бўлиши учун кураш барчамизнинг бурчимиздир. Айниқса, эрта турмушнинг олдини олиш кўпроқ ота-оналарга катта масъулият юклайди. Чунки лицей, коллеж дипломини қўлга олишга ҳам улгурмай оила остонасига қадам қўйган қизларнинг имкониятлари ҳар жихатдан чекланиб қолишини унутмаслигимиз керак.

Зумрадхон АБДУЛЛАЕВА.